Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2021 йил
4 февраль
пайшанба
№ 18 (4458)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Кун нафаси

Давлатимиз раҳбари «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармонни имзолади.

* * *

Президентимиз «**Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги қарорга имзо чекди.

* * *

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2021 йил 1 февралдаги қарори билан, **бир гуруҳ сенаторларга махсус** («Адолатли сенатор», «Халқпарвар сенатор», «Меҳнаткаш сенатор», «Фахрий сенатор») **мақомлари берилди.** Ушбу мақомларга сазовор бўлган сенат аъзолари ҳамда собиқ сенаторлар сертификат ва белгиланган тартибда бир марталик пул мукофоти билан тақдирланган.

* * *

Буюк Британиянинг «The Economist» нашри **2020 йил учун Демократия индекси рейтингини** эълон қилди. Унда 165та давлат ва 2та маъмурий бирлик ҳақида сўз юритилган. Ушбу рейтингда **Ўзбекистон 155 поғонада қайд этилган бўлиб, 2019 йилга нисбатан мамлакат ўз позициясини 2 поғонага яхшилаган.**

* * *

Ўзбекистон ва Покистоннинг етакчи таҳлилий марказлари – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Исломобод сиёсий тадқиқотлар институти ташаббуси билан **«Афғон тинчлик жараёни ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти» мавзусида онлайн-конференция ташкил этилди.**

* * *

Тошкент шаҳри ҳокимлиги мамлакат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлаб қуриладиган **«Истиқлол» мажмуаси лойиҳаси учун танлов эълон қилди.**

* * *

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан 2020 йил декабрь ойида жаҳон тажрибаси ва аҳолининг ижтимоий сўров натижаларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида «Истеъмол савати»нинг ҳисоб-китобини ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб борилди. Ўрганишлар шуни кўрсатадики, **«Истеъмол савати»нинг миқдори бир киши учун тахминан 2 157 000 сўмни ташкил этади.**

* * *



ЖССТ коронавируснинг тарқалиш суръати пасайганлигини маълум қилди. Қайд этилишича, февралнинг дастлабки кунларида коронавируснинг дунё бўйлаб тарқалиш тезлиги январдаги рекорд кўрсаткичга нисбатан деярли тенг ярмига пасайди.

Хоразм вилояти

Касаба уюшмалари кўмагида

СЎЗДА ЭМАС, АМАЛДА

ўқитувчиларнинг меҳнати қадр топмоқда

– Қирқ йилдирки таълим тизимида фаолият кўрсатаман, – дейди Ҳазорасп тумани халқ таълими бўлими услубиятчиси Гулнора Аҳмедова. – Шу даврда маошим камлигиданми, иш кўплиги туфайлими, бирон марта санаторийда дам олиш имконига эга бўлмаганман. Мана бугун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан «Умид гулшани» санаторийсида дам олишим, соғлиғимни тиклашим учун бепул йўлланма билан тақдирландим.

Гулнора опа каби самарали меҳнат қилаётган хоразмлик умумтаълим муассасалари директорлари, халқ таълими бўлими методистларидан 54 нафарига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги санаторийларда январь-февраль ойларида ўз соғликларини тиклашлари учун бепул йўлланма тантанали равишда тақдим қилинди. Уларнинг аксарияти узоқ йиллар санаторий тугул саёҳатга ҳам чиқишмаганини қайд этишди.

– Самарқанддаги «Ибн Сино» санаторийсига бепул йўлланма олдим. 18 йиллик фаолиятим давомида меҳнатларим биринчи марта рағбатлантирилмоқда, – дейди Хива шаҳар халқ таълими бўлими аниқ фанлар методисти Марат Абдолниёзов. – Кейинги йилларда ўқитувчи меҳнати шунчаки сўзда эмас, амалда ҳам қадр топаётганидан хурсандмиз.

Санаторийларга йўлланмаларни топшириш тадбирида иштирок этган Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Усмон Шарифхўжаев давлатимиз томонидан таълим тизимига қаратилаётган эътибор ҳақида тўхталиб, ўқитувчи меҳнатининг қадр топишида касаба уюшмаларининг ҳиссаси катталигини эътироф қилди.

Тадбир давомида «Устоз – 2020» миллий мукофоти учун ўтказилган танловда юқори натижаларни қайд этган хоразмлик 13 нафар педагог учун Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Ўқитувчилар ассоциацияси» жамоат бирлашмасининг ташаккурномаси тақдим этилди. Танловда фаол қатнашган уч нафар ўқитувчи «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«ISHONCH»

Фарғона вилояти

Фаолият

200 ТА КОРХОНАДАГИ ЎРГАНИШ

ходимлар манфаатлари қай даражада ҳимояланганини кўрсатмоқда

Айни вақтда корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунбузилиш ҳолатлари, ишлаб чиқаришда юз берадиган жароҳатланишларнинг олдини олиш борасида режали ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўтган давр мобайнида касаба уюшмаларига аъзо 200дан зиёд корхона, ташкилот ва муассасада ўрганишлар олиб борилди. Бу жараёнда 78 та ҳолатда иш берувчилар томонидан иш фаолиятини ташкил этишда карантин қоидаларига амал қилинмагани, 47 та ҳолатда ишчи-ходимлар учун яратилган меҳнат шароитларининг қониқарсиз аҳволдалиги, 15 та ҳолатда иш ҳақларидан қарздорлик мавжудлиги аниқланди. Юзага келган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилиб, 34 миллион сўм миқдордаги иш ҳақлари ишчи-ходимларга ундириб берилди.

Ходимларнинг манфаатларини кўзлаб судларга 4 та даъво аризаси киритилди. 10 нафар ходимнинг ҳуқуқлари тикланиб, иш жойига қайта тикланди ва мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақлари ундирилишига эришилди. Шунингдек, иш берувчи томонидан ўз вақтида тўлаб берилмаган 32 нафар ходимнинг 52 миллион сўм миқдордаги иш ҳақлари ва зарар тўловлари ўз эгаларини топди.

Мансуржон ХАТАМОВ,
Ферузахон АБДУЛЛАЖОНОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат ва ҳуқуқ инспекторлари

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН

1092 –

қисқа рақамли «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ – «Call-center»га

меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин. Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда касаба уюшмаси аъзоси бўлишидан қатъи назар, барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади. Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касаба уюшмаси Федерациясининг доимий эътиборида!

Мушоҳада

«БАХТСИЗ КУЁВ»ЛАР САБОҒИ

ёхуд асрни қаритган «удумлар»имиздан нега қутулолмаяпмиз?

Яқинда телевиденияда намойиш этилган «Бахтсиз куёв» фильмини томоша қилдим, эртаси куни эса унинг жамоатчилик муҳокамасини кузатдим.

Аввало, айтмоқчи бўлганим шуки, баъзи ўзбек телеканаллари бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, одамларнинг ҳаётий муаммоларини ёритишда меъдага теккан бир қолипдаги мавзулардан тобора узоқлашиб, уларнинг чуқур туб сабаблари ҳақидаги саволларни кўтара бошлагани қувонарлидир.

Фильмда кўтарилган мавзу ҳам дунёнинг ўзидек қадимий. Ёш йигит-қизларнинг соф севгиси, уларнинг оила қуриш, фарзандлар улғайтириш истаги, орзулари – саробга айланади. Буни диний қадриятлар ва миллий урф-одатлар сифатида кўринадиган дунёқараш ва фикрлаш дейиш ҳам мумкин.

Асардаги ижодкор ва актёрлар гуруҳининг маҳорати, унинг бадиий қиймати таҳлилини мутахассисларга қолдириб, эътиборимизни фильмнинг асосий ғоясига қаратамиз. Бизнингча, бу аввалги шунга ўхшаш юзлаб фильмлардан кескин фарқ қилади.

Шу билан бирга, томошабинларнинг ҳис-туйғуларига таъсир қиладиган энг жиддий кўринишга эга бўлиб, атроф-муҳитга эътиборлироқ қарашга ва воқеаларга нисбатан мушоҳада юритишга ундайди.

4

Йиғилиш

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

РАИС ВА УНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ САЙЛАНДИ

2021 йил 2 февраль куни Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг II Мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтган йиғилишда Федерация ҳамда ҳудудий бирлашмаларнинг барча раҳбар-ходимлари иштирок этди.

Мажлисда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ҳамда унинг биринчи ўринбосарини сайлаш масаласи кўриб чиқилди.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси лавозимига Тошкент вилоятининг собиқ ҳокими Рустам Холматов, раисининг биринчи ўринбосари лавозимига эса шу кунгача Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси вазифасида вақтинча ишлаб келаётган Тўхта Бозоров номзоди кўриб чиқилди ва бир овоздан маъқулланди.

Йиғилишда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши аъзолари таркибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

Конференция

Энергетика, нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ТУЗИЛДИ

Қарши шаҳрида Энергетика, нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги тармоқ корхона ва ташкилотлар касаба уюшма қўмита раислари иштирокида кун тартибидаги қатор масалалар кўриб чиқилди.

Тадбирда бошланғич ташкилотлар ишини назорат қилиш, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, юқори ташкилотлар қарорлари бажарилишида самарадорликни ошириш мақсадида энергетика, нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгашини таъсис этиш ҳақида таклиф билдирилиб, делегатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Шундан сўнг вилоят кенгаши аъзолари, кенгаш раиси ҳамда тафтиш комиссияси раиси сайланди.

Делегатлар узоқ йиллар тизимда фаолият олиб борган Акбар Юсуповни кенгаш раислигига сайлашди.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Самарқанд вилояти

Долзарб мавзу

Меҳнат шароитидан розимисиз?

Самарқанд вилоятида кейинги уч йилда ишлаб чиқариш билан боғлиқ қирқдан ортиқ жароҳатланиш, оқибати ўлим билан якун топган кўнгилсизликлар содир бўлган. Йилига ўртача 15-18 та иш жараёнидаги кўнгилсизлик қайд этилади. Гарчи унинг олдини олиш борасида ҳаракатлар қилинаётгандек кўринса-да, натижа қониқарли даражада эмас. Меҳнат муҳофазасининг бу жабҳасида қайсидир «мурват» назардан четда қолаётгандек гўё.

Мавзуни Самарқанд вилояти бандлик бошқармаси давлат ва Ўзбекистон касаба уюшмаларининг меҳнат инспекциялари мутахассислари кўмагида ойдинлаштиришга интилдик.

Вилоятда айни чоғда 65 мингга яқин ташкилот, корхона фаолият юритиб келмоқда. Кейинги икки йил мобайнида 146 та ташкилот ва корхонада ноқулай, зарарли ва хавфли иш жойлари шаҳодат (аттестация)дан ўтказилди. Бу жамоаларда ишлаётган 4,5 мингга яқин ишчи-ходим қонун ҳужжатларида назарда тутилган шахсий ҳимоя воситалари – махсус кийим, сут ва унга тенглаштирилган маҳсулотлар, қўшимча меҳнат таътиллари, муддатдан олдин пенсияга чиқиш, имтиёзлар ва компенсациялардан фойдаланиб келмоқда.

– Тегишли қонун ва фармонлар билан иш ўринлари, меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилигини шаҳодатлаш (атестациядан ўтказиш)нинг мажбурий тартиби белгилаб қўйилган, – дейди **Самарқанд вилояти бандлик бошқармаси давлат меҳнат инспекцияси инспектори Зокир Очилов.** – Аслида, шаҳодатлаш даврийлигини корхонанинг ўзи белгиласа-да, бу жараён 5 йилда камида бир маротаба амалга оширилиб, 50 йил муддат сақланиши белгилаб қўйилган. Аммо аксар иш берувчилар кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан, бу муҳим тадбирни эътибордан четда қолдираётгани ҳам аччиқ ҳақиқат. Бунинг оқибати эса аянчли якун топмоқда...

Самарқанд шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ишчиси Шомурод Пирназаров ҳам оддий тасодиф қурбони бўлди. Унга шу йилнинг 13 январь куни соат 10:00лар атрофида Ҳужум кўчаси ҳудудидан ўтган ариқнинг қуйи қисмидаги ёпиқ қувурни маиший чиқиндилардан тозалаш вазифаси юкланган. Ишчи қувурнинг ичига тушиб, уни чиқиндидан тозалаётган вақтда юқоридан тўсатдан маиший чиқинди суви келиб қолади. Оқибатда ходим воқеа жойида вафот этади.

Афсуски, ушбу ташкилотда бундай ноҳушлик биринчи марта содир бўлмаяпти. Ўтган йилнинг март ойида бошқарма ишчиси Зайнидин Бобомуродов ҳам худди шунга ўхшаш ҳодиса сабаб фожиали ўлим топганди.

Биргина гугурт донаси *(Самарқанд шаҳридаги 4-умумтаълим мактаби қозонхонаси ўт ёқувчиси Олим Булаков ўчиб қолган газни ёқмоқчи бўлганида чақнаш ва портлаш оқибатида)* бир инсоннинг ҳаётига нуқта қўйганига нима дейсиз? Кўряпсизми, меҳнатнинг оддий талабларига на иш берувчи амал қилади, на ходим...

– Корхоналардаги соҳа мутахассислари ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари иш ўринларини шаҳодатлаш масаласи устидан жиддий назорат ўрнатиб келаётир, – дейди **Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Рустам Валиев.** – Бугунги кунда «Самарқанддон»да 4 та, «Зарафшон» ирригация тизимлар бошқармасида 30 та, паррандачилик тармоғида 6 та корхона тўлиқ шаҳодатлаш (атестация)дан ўтди. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Беш қўл баробар бўлмаганидек, ҳамон меҳнат жабҳасида инсонлар ҳаётига таҳдид соладиган ҳолатларни бартараф этиш, хавфсиз иш шароити яратилишига панжа орасидан қараб келаётган ташкилотлар бор. Масалан, «Бест Континентал» корхонаси, «Темир қалқон» масъулияти чекланган жамияти, «Қобил Мирзо» ХИЧФ, «Шоҳрухжон сервис» хусусий қурилиш корхонаси, Пастдарғом, Оқдарё туманлари тиббиёт бирлашмалари, «Ипотека банки»нинг Самарқанд филиали, Халқ банки, «Ўзқишлоқэлектрқурилиш» 12-сонли механизациялашган кўчма колоннасидаги иш ўринлари, меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг хавфлилик даражаси бўйича бирор марта шаҳодатлаш ишлари амалга оширилмаган. Бу тахлитда фаолият юритиб келаётган яна юзлаб корхоналарни келтириш мумкин.

– Аслини олганда, иш ўринларини шаҳодатлаш (аттестация)дан мақсад – меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қоидалар ва йўриқномалар талабларига мувофиқ тадбирлар ишлаб чиқиш, оғир, ноқулай, зарарли ва (ёки) хавфли ишларда ва меҳнатнинг бошқа алоҳида шарт-шароитларида банд бўлган ходимларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёз ва компенсацияларни белгилаш, иш жойларида меҳнат шароитларини назорат қилиш, касбий хавфни баҳолаш, меҳнат шароитларининг ҳолати тўғрисида статистика ҳисоботини тайёрлаш, – дейди **Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Самарқанд вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқи инспектори Усмон Каримов.** – Президентимизнинг тегишли фармонларига биноан жорий йилдан бошлаб, соғлиқни сақлаш муассасаларидаги иш ўринларини шаҳодатлаш тизими такомиллаштирилди. Ушбу тизимда босқичма-босқич иш ўринлари, меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналар хавфсизлигини шаҳодатлаш ўрнига, меҳнат шароитларини баҳолаш тизими татбиқ этилади.

Ҳа, жамоада соғлом меҳнат муҳити яратиш ўз қўлимизда. Фақатгина белгиланган меъёрларга амал қилсак кифоя.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Жиззах вилояти

Қарор қабул қилинди, навбат ижрога



Касаба уюшмалари аралашгач...

...Ўшанда Ўткир Сарибов «Жиззахпахтасаноат» АЖда хизмат кўрсатиш бўлими етакчи мутахассиси лавозимида ишлар эди. Бир куни котибанинг «машинани тайёрлар экансиз, бугун туманларга чиқар экансизлар», деган гапидан сўнг автогаражга қараб йўл олди.

Корхона раҳбари орқа ўриндиққа ўтирар-ўтирмасдан «тезроқ ҳайданг, эртароқ боришимиз керак» деди.

Катта йўлда кета туриб эса... Автоҳалокат юз берди.

Бу воқеа 2015 йилнинг 24 июнь куни рўй берди. Йўл транспорт ҳодисаси ишлаб чиқариш билан боғлиқ, деб топилиб, Н-1 шаклидаги далолатнома расмийлаштирилди. Бироқ иш берувчи жабрланувчига ойма-ой тўланиши лозим бўлган соғлиғига етказилган зарар пулларини ўз вақтида тўламади. Шундан сўнг Ўткир Сарибов Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига мурожаат қилди.

Ариза бирлашма кенгашининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси Алишер Бурхонов томонидан ўрганилганда, «Жиззахпахтасаноат бирлашмаси» АЖ 2019 йилнинг 1 январидан 2020 йилнинг 1 сентябригача Ўткир Сарибовнинг соғлиғига етказилган зарар пулларидан 13 миллион 226 минг 117 сўм қарздорлик мавжудлиги аниқланди. Ушбу пулларни тўлаб бериш бўйича «Жиззахпахтасаноат бирлашмаси» АЖ, яъни иш берувчига 2020 йилнинг 2 сентябрь куни тақдимнома киритилди.

Лекин тақдимнома талаблари бажарилмади. Шундан сўнг ушбу низони суд тартибида кўриб чиқиш учун Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро суди 2020 йилнинг 18 декабрь куни ишни кўриб чиқиб, «Жиззахпахтасаноат бирлашмаси» АЖдан Ўткир Сарибоев фойдасига етказилган зарар пуллари ҳамда 800 минг сўм маънавий зарар ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Сурхондарё вилояти

Ҳуқуқ

«Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг 45-моддаси талабига кўра, касаба уюшмалари инспекторлари ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида судларда ва меҳнат низоларини кўриб чиқадиган бошқа органларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз ташаббуси ёхуд ходимларнинг илтимосига биноан вакил сифатида иштирок этиши мумкин.

У ИШГА ҚАЙТДИ

Шўрчи тумани «Хайробод» маҳалласида яшовчи О.Ҳакимова Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Сурхондарё вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқи инспекторига мурожаат қилиб, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд муҳокамаси даврида қонуний ҳимоя қилишни, вакил сифатида иштирок этишни сўради.

Ишнинг ҳолатига кўра, Сурхондарё вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасининг №14-сонли буйруғига асосан, 2020 йил 24 февралдан бошлаб, О.Ҳакимова уч ой синов муддати билан Шўрчи тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимига ишга тайинланган. Меҳнат фаолияти давомида бирон маротаба интизомий жазога тортилмаган.

Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш доирасида амалга оширилган ишлар ҳамда йўл қўйилган хато ва камчиликлар юзасидан 2020 йил 22 май куни Шўрчи тумани ҳокимлигида вилоят ҳокими раислигида йиғилиш бўлиб ўтган. Вилоят ҳокимлигининг 2020 йил 29 май кунги №01-10/117-сонли йиғилиш қарорига кўра, О.Ҳакимова ва бошқаларни эгаллаб турган вазифасидан озод этиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш Сурхондарё вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасига юклатилган.

Бошқарма вилоят ҳокимлиги қарорини асос қилиб, О.Ҳакимова билан тузилган меҳнат шартномасини 2020 йил 14 июлдан бошлаб, Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига асосан бекор қилган **(Буйруқ № 197 14.07.2020 йил).**

Иш берувчи томонидан О.Ҳакимова билан тузилган меҳнат шартномасини юқорида кўрсатилган асос бўйича бекор қилишда бир қатор хатоликларга йўл қўйилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судининг 2020 йил 26 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, О.Ҳакимова Шўрчи тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимига ишга тикланди, унга 17016881 сўм ойлик иш ҳақи ҳамда 5 500 000 сўм маънавий зарар ундирилди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Сурхондарё вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқи инспектори

«COVID-19» ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА КАСАБА УЮШМАЛАРИ



Халқаро меҳнат ташкилоти

«Covid-19» пандемияси меҳнат соҳасига чуқур таъсир кўрсатмоқда. Даромадларни камайтирмаслик ва иш ўринларини сақлаб қолиш, шунингдек, тўлиқ иқтисодий таназзулнинг олдини олиш учун дунё мамлакатларида солиқ имтиёзлари билан боғлиқ мисли кўрилмаган дастурлар жорий этилди.

Давлат идоралари, иш берувчилар ва меҳнаткашлар ташкилотлари ўртасидаги самарали ижтимоий мулоқот ва ўзаро ҳамкорлик пандемия туфайли юзага келган инқирознинг салбий таъсирига қарши курашиш ва инклюзив жамият қуришнинг таъсирчан стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ўта муҳим аҳамият касб этди.

«Covid-19» пандемияси даврида касаба уюшмалари фаолият тенденциялари глобал таҳлилининг дастлабки босқичида қайси тоифадаги меҳнаткашлар энг оғир вазиятга тушиб қолгани ва пандемия қайси соҳаларга кўпроқ таъсир қилгани аниқланди. Шундан сўнг касаба уюшмаларининг пандемия инқирозига қарши чора-тадбирлари ҳамда 2020 йилнинг март ва август ойлари давомида 133 та мамлакатда, шу жумладан, битта ҳудудда уч ёки икки томонлама ижтимоий мулоқот ёки ҳукумат иштирокида эришилган тараққиётнинг қисқача тавсифи берилди. Шунингдек, унда касаба уюшмалари ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий чораларини қай даражада маъқуллагани ёки ишчилар ва касаба уюшмалари ҳуқуқлари бузилган-бузилмагани кўрсатиб ўтилди. Хулоса қисмида эса касаба уюшмаларига барқарорликни мустаҳкамлаш ва «янги шароитларда яхши ҳаёт» қуриш жараёнларига қандай кўмаклашиш ҳақида тавсиялар берилди.

Глобал тенденциялар таҳлили натижалари касаба уюшмалари томонидан «Covid-19»га қарши амалга оширилган чора-тадбирлар билан боғлиқ минтақавий тенденциялар таҳлилига асосланган. Уларда миллий касаба уюшма органларининг ХМТнинг ташқи офислари таркибида фаолият юритаётган ACTRAV мутахассисларига тақдим этган маълумотлари, ХМТнинг «Covid-19» бўйича маълумотлар базаси, шунингдек, миллий ва халқаро касаба уюшмалари ташкилотлари каби бошқа манбалардан олинган маълумотлар акс этган.

Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ва тармоқларнинг қайси тоифаларини энг кўп жабр кўрган ва оғир вазиятда қолган деб ҳисоблайди?

«Covid-19» инқирози бутун дунёда соғлиқни сақлаш ва тезкор хизматлар тизими ходимларига энг кўп зарар етказди. Шахсий ҳимоя воситалари етишмаганига қарамай, улар одамларни қутқариш учун ўз ҳаётларини хавф остига қўйишди. Норасмий иқтисодиётдаги ишчилар, ўзини иш билан таъминлаганлар ва вақтинча ишлаётганлар ҳам даромадлари ёки жамғармаларини қоплаш кафолати ва ҳимояси йўқлиги, тасодифий меҳнат муносабатлари ва қўллаб-қувватлаш чоралари доирасидан четда қолгани боис энг кўп зарар кўрганлар қаторига киради. Шунингдек, кўплаб микро, кичик ва ўрта корхоналар талаб ва фойданинг кескин пасайиши сабабли ўз фаолиятини ҳатто тўлиқ тўхтатишга мажбур бўлди.

Аёллар, ёшлар, меҳнат муҳожирлари, қочоқлар ва ногиронлар, асосан, ишларининг норасмий ва тасодифий хусусияти, ёмон иш шароитлари, зўравонлик ва маргинализация таъсирига учрагани ва давлат хизматларидан ҳимоя ёки ёрдамнинг йўқлиги туфайли энг оғир аҳволда қолди.

Пандемиядан туризм, автомобиль ва денгиз транспорти, шунингдек, фуқаро авиацияси ва қурилиш, савдо ва меҳмонхона бизнеси, дам олиш ва кўнгил очиш индустрияси, қайта ишлаш саноати каби секторлар энг кўп зарар кўрди. Бу соҳаларда фаолият юритаётган корхоналар иқтисодий фаолиятни вақтинча ёки тўлиқ тўхтатиш, эркин ҳаракатланишни чеклаш ва чегараларни ёпиш, жиддий банкротлик хавфи ва кескин пасайишни бошдан кечирди. Бу эса бандлик, хизматлар кўрсатиш ва хомашё ва материалларни етказиб бериш даражасига салбий таъсир кўрсатди.

«COVID-19» ИНҚИРОЗИГА КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ МУНОСАБАТИ

Ишчилар ижтимоий мулоқотда фаол қатнашмоқдалар: 133 та мамлакатдан 108 тасида (81 фоиз) пандемия таъсирида ишчилар ва корхоналарни мақсадли ҳимоя қилиш бўйича консенсусга келишда ижтимоий мулоқот олиб борилди. Ижтимоий мулоқотнинг камида битта шакли (уч томонлама, икки томонлама ёки иккаласи) араб дунёсининг барча мамлакатларида ва Осиё давлатларининг 88 фоизида, ундан кейин Европа ва Марказий Осиё (84 фоиз), Африка (77 фоиз), Шимолий ва Жанубий Америка (76 фоиз) қўлланилди.

Ҳукумат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ташкилотлари ўртасида уч томонлама мулоқот 133 та мамлакатдан 79 тасида (59 фоиз) бўлиб ўтди. Агар касаба уюшмалари сиёсий муҳокамаларда қатнашган бўлса, музокаралар мавзуларида кўпинча ижтимоий ҳимоя ва иш билан таъминлаш чоралари, шунингдек, ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ мажбуриятлар, солиқ чоралари ва меҳнатни муҳофаза қилиш (ММҚ) билан боғлиқ бўлди.

Иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида икки томонлама мулоқот 133 та мамлакатдан 82 тасида (62 фоиз) кузатилди. Иш берувчилар ва ишчилар кўрилаётган чораларнинг ва бозорда зарур материаллар ва хомашёнинг (масалан, ШҲВ) етарлилиги бўйича кўпинча бир хил ташвиш билдиришган. Баъзи ҳолларда улар давлат органларига қўшма баёнотлар, таклифлар ёки сўровлар юборишган. Шунингдек, улар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича кучайтирилган тадбирларни амалга ошир-

Сиз нима дейсиз?

Сифат масаласими ёки монополия?

ёхуд танловсиз эълон қилинаётган дарсликлар ортида нима турибди?

Халқ таълими тизимида педагогларни соҳанинг моҳир қўлларига қиёс қилсак, дарсликлар, шубҳасиз, таълимнинг ўткир кўзларидир. Чунки ўқувчи асосий билимни дарсликдан ўзлаштиради.

Шу боис ҳам дарсликлар масаласига бот-бот урғу берилади. Уларни мазмунан янгилаш, ёдлайдиган маълумотлар билан тўлдириш эмас, ҳаётда қўллай оладиган малакани ҳосил қилувчи дарсликлар яратишга эътибор қаратилмоқда. Аммо ажабланарлиси, сифатли дарслик яратиш баҳонасида бу йўналишда ҳам халқимизни анчадан буён абгор қилиб келаётган монополия масаласи бўй кўрсатаётгандек.

2020 йил 6 июлда Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълим муассасаларида «Тарбия» фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга асосан «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари», «Дунё динлари тарихи» каби фанларнинг ўрнига уларнинг мазмун-моҳиятини ўзида жамлаган ва миллий қадриятларимизни ёшлар онгига чуқурроқ сингиришга хизмат қиладиган «Тарбия» фани жорий этилиб, янги дарсликлар яратилди.

Дарсликларнинг мазмуни ҳақида педагоглар амалиётда уни эндигина қўллай бошлагани боис ҳозирча бирон нарса дейишдан йироқмиз. Бизга маълум бўлгани шуки, Республика Таълим маркази керакли амалиётчи ва назариётчи мутахассисларни тўплаб, бор куч ва салоҳиятини шу дарсликларни янгича руҳда чоп этишга тайёрлади. Қизиғи, дарсликларни чоп этиш жараёнида бу йил ўзгачароқ усул қўлланилди ва бу янгиланаётган, очиқ ва шаффофликка интилаётган жамиятимизда айрим саволларни келтириб чиқармоқда.

Гап шундаки, дарсликлар давлат аҳамиятидаги товарлар рўйхатига киритилган бўлиб, шу пайтгача уларни чоп этишдан олдин нашриётлар учун тендер ўтказиларди. Масалан, 3-синф «Математика» дарслиги чоп этилиши керак бўлса, бу ҳақда нашриётлар учун матбуотда танлов эълон қилинарди. Бунда нашриётлар муаллифлар билан ишлаб, Республика таълим марказининг тавсияси, талаби ва кўрсатмаларига ижодий ёндашган ҳолда ўз вариантларини тайёрларди. Белгиланган вақтда вариант сифатида тақдим этилган барча хомаки дарсликлар Республика Таълим марказининг махсус ишчи гуруҳи томонидан кўриб чиқилиб, улар ичидан мазмунан ва сифат жиҳатидан «Энг яхши» деб топилган лойиҳа эгалари (нашриёт) билан чоп этишга шартнома тузиларди. Танловда ғолиб бўлмаган лойиҳаларга эса ишчи гуруҳнинг хулосаси тақдим этиларди.

Бу йил Халқ таълими вазирлиги нашриётлар томонидан ишлар суст ташкил этилиб, яратилаётган дарсликларни нашрга тайёрлаш ва чоп этишда эскича усул сақланиб қолаётгани, нашриётларнинг муаллифлар билан ишлаш малакаси талабга жавоб бермаётгани, рассом ва муҳаррирлар етишмаслигини таъкидлаб, ҳеч қандай танлов эълон қилмасдан, Таълим марказида тузилган муаллифлар гуруҳи билан дарсликлар яратди ва 6 миллион нусхада 7 тилдаги «Тарбия» дарслигини чоп этиш учун «Kolor Pack» нашриёти билан шартнома имзолади.

Аммо кейинчалик дарсликнинг маълум нусхалари «Ғафур Ғулом» «Sano Standart» ва «Ўзбекистон» нашриётларида ҳам чоп этилган бўлса-да, бу нашриётларда китоблар Халқ таълими вазирлиги билан эмас, «Kolor Pack» нашриёти билан тузилган шартнома асосида босилди. (Олдинлари дарсликларни чоп этиш учун бир нечта нашриётлар билан шартнома тузиларди).

Мавзу юзасидан «Ғафур Ғулом» ва «Ўзбекистон» нашриётлари вакиллари билан суҳбатлашганимизда, улар ўзлари ишлаётган нашриётларнинг сифатли дарсликлар чоп этиш учун барча зарур технология ва шароитга эгалигини, керак бўлса дарслик мазмуни устида кўпроқ ишлаб, ҳатто муаллифларга икки карра кўп гонорар тўлашга ҳам тайёрлигини айтишди. Уларнинг наздида, Халқ таълими вазирлигининг танловсиз иш тутиши ва фақат «Kolor Pack» билан шартнома тузаётгани, қолаверса, келгуси ўқув йили учун ҳам бир неча 10 га яқин дарсликларнинг лойиҳа макети Таълим маркази қошида тайёрланаётгани соҳада шаффофликни хиралаштириб, монополияга йўл очмоқда. Келгусида бу дарсликлар сифатига таъсир этмасдан қолмайди. Чунки ушбу жараёнларда Республика таълим маркази ҳам, дарслик тайёрловчи ҳам уни баҳоловчи ташкилот бўлиб қолмоқда.

Одатда, одамнинг ўзига ўзи берган баҳоси холис бўлмайди, ҳар қандай ишни ҳам ўзгалар, атрофдагилар, соҳа мутахассислари баҳоласа, у ҳаққонийроқ бўлади. Халқ таълими вазирлиги ҳақиқатдан сифатли ва мазмунли дарсликлар чиқармоқчи экан, марҳамат, Таълим маркази муаллифлар учун янги билим берувчи ўқишлар, семинарлар ташкил этсин. Нашриётлар билан ўзларига керакли дарслик қандай бўлиши лозимлиги ҳақида фикр алмашсин ва барча учун намунавий дарслик макетини берсин. (Аслида уларнинг вазифаси ана шу ташкилий ишлар бўлиши керак). Кейин ҳар бир нашриёт ўша лойиҳани ўзлари мустақил муаллифлар билан ижодий қайта ишласин. Ана шундагина сифатли дарсликлар яратилади. Ҳозирги ҳолатда, яъни, барча дарсликлар Таълим маркази томонидан тайёрланиши хатолар кўпайишига, уларнинг битта нашриётда чоп этилиши эса монополияга олиб келади.

Республика Таълим маркази раҳбари Шуҳрат Сатторовдан ҳолатга изоҳ сўраганимизда у шундай жавоб берди:

– «Тарбия» дарслигини тайёрлаш давомида мамлакатимизда муаллифлар мактаби йўқлиги жуда-жуда билинди. Шу пайтгача дарслик муаллифлари ёзган битта дарслик 30 йиллаб қайта нашр этилиши ҳисобига амалда бўлган. Аммо уларнинг муаллиф сифатида билими бойитилмаган, кенгайтирилмаган. Натижада муаллифлардан шогирдлар етишиб чиқмаган, тизимда уларининг ўзига хос мактаби яратилмаган. Оқибатда дарсликларимиз қуруқ, назарий маълумотлар энциклопедиясига ўхшаб қолган. «Тарбия» дарслигини тайёрлашда аввало, олдинги авлод дарслик муаллифлари билан биргаликда амалиётчи ўқитувчилар, назариётчилар, халқаро экспертлар ва шу соҳага қизиқувчи педагоглар жамоасидан иборат муаллифлар гуруҳини туздик. Сифатли ва мазмунли дарслик тайёрлаш учун муаллифларга зарур мавзуларни ўқитдик. Буюк Британиянинг Кембриж университети, Оксфорд университети, Германиянинг Клетт-Верлаг ва Хуебер Верлаг, Сингапурдан Стар Публишинг, шунингдек, Корея Республикаси ва Япония нашриётлари томонидан нашр этилган дарслик, дафтар, ўқув қўлланмалари намуналарини ўргандик. Ҳозирги ҳолатда нашриётларнинг фаолияти, муаллифлар билан ишлаш кўникмаси биз кутган сифатли дарсликларни яратиш имконини бермайди. Шу боис, муаллифлар сафи кенгайиб, уларнинг малакасидан кўнглимиз тўлгачгина, нашриётлар ўртасида танлов асосида дарсликлар чоп этишни йўлга қўйишимиз мумкин. Ҳозирда дарсликларни тайёрлашда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, қобилиятлари ва ўзлаштириш даражалари инобатга олиниши, шунингдек, амалий кўникмаларни шакллантириш бош мақсадга айланган ва 1-синфдан 11-синфгача бўлган дарсликлар Таълим маркази қошидаги ягона муаллифлар жамоаси томонидан яратилади. Бу эса дарсликлар ўртасида узвийликни таъминлашга хизмат қилади.

* * *

Азиз газетхон, ушбу мулоҳазаларни ҳукмингизга ҳавола қилар эканмиз, у ёки бу томонни оқлаш ёки қоралаш фикридан йироқмиз. Шу боис, ҳар икки тарафнинг ҳам фикрларини беришга ҳаракат қилдик. Истагимиз, дарсликларимиз сифати ошсин, ўқувчиларимиз билими юксалсин. Аммо ошкораликка интилаётган даврда дарслик тайёрлаш жараёнидаги ҳар бир босқич шундай шаффоф ташкил этилсин-ки, юқоридаги каби эътироз ва шикоятларга ўрин қолмасин. «Майдон – мардники» деган гап бор халқимизда. Шундай экан, «Биз ҳам зўр китоб чиқара оламиз» дея ишонч билан таъкидлаётган томонларга ҳам имконият берилиши керак эмасми?

Хўш, бу борада сиз нима дейсиз? Агар соҳада меҳнат қилиб, дарсликлар чоп этилиши масаласига эътиборсиз бўлмасангиз, марҳамат, мавзу юзасидан таклиф ва мулоҳазаларингизни йўлланг. Зеро, ҳақиқат баҳсларда туғилади.

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»

Хоразм вилояти

Ишчи гуруҳ фаолияти

«НАТИЖАСИ БЎЛАДИ, ДЕБ ИШОНМАГАНДИМ»

«Аёллар дафтари»га киритилган гурланлик аёлларга тадбиркорлик сирлари ўргатилмоқда

Гурлан туманида 2600 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилган бўлиб, уларнинг 468 нафари ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган эди.

Туманда ушбу аёллар учун махсус семинар ташкил қилинди. Семинар савол-жавобларга бой бўлди. «Имтиёзли кредитларни кафилсиз ёки нақд пул кўринишида олиш мумкинми?», «Аёллар дафтари»га киритилмаган хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун қандай кўмак берилади?», «Кредит олган аёлга ўз маҳсулотларини сотишга ёрдам кўрсатиладими?» каби ўнлаб саволларга мутахассислар томонидан тўлиқ жавоб қайтарилди.

– Уйимизга аёлларни хатловдан ўтказамиз, деб келишганида шунчаки ёзиб олишади-да, ҳеч нарса қилишмайди, деб ўйлагандим, – дейди Гулсевар Собирова. – Тадбиркорлик қилиш ниятим борлигини номигагина айтгандим. «Аёллар дафтари»га киритилганимни, тадбиркорлик қилишим учун имтиёзли кредит ажратилишини эшитиб, қулоқларимга ишонмадим. Бугунги семинарда иштирок этиб, тадбиркорликка иштиёқим янада ошди. Менга кўрсатилаётган кўмакдан, албатта, самарали фойдаланаман.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«ISHONCH»

Эълон

«Мусаффо оби ҳаёт» МЧЖ томонидан (2020 йил 18 март куни «Халқ сўзи» газетасининг 57-сонида эълон қилинган), Тошкент вилоятининг Қибрай, Тошкент ва Зангиота туманларидаги сув ўлчагич ускуналари билан жиҳозланган ва Тошкент шаҳрининг сув таъминоти ва канализация тармоқларига тўғридан-тўғри уланадиган истеъмолчилар (аҳоли) учун, Тошкент вилояти ҳокимининг 2019 йил 5 августдаги 597-сонли қарори билан тасдиқланган сув истеъмоли нормативларини жорий этиш тўғрисидаги қарорининг ижроси коронавирус пандемияси муносабати билан карантин чоралари ўтказилиши даврида тўхтатилган. Сув истеъмоли нормативларини жорий этишнинг янги муддатлари ҳақида қўшимча равишда хабар берилади.

Ҳозирги пайтда Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 23 июлдаги 134-сонли қарори билан тасдиқланган сув истеъмоли нормативларининг амал қилиш муддати давом этмоқда.

ФАОЛИЯТ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИНГ ГЛОБАЛ ТАҲЛИЛИ

дилар ёки айрим тоифадаги ишчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида келишиб олдилар. Бир қатор ҳолатларда улар Ҳамдўстлик телерадиоэшиттиришлар ассоциацияси билан жамоавий ишдан бўшатишнинг олдини олиш ва иш хавфсизлигини кучайтириш бўйича ўзаро англашув меморандумларини ёки битимларни имзоладилар.

Касаба уюшмалари ҳамда ҳукумат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик 133 та мамлакатдан 46 тасида (34 фоиз), шу жумладан, битта ҳудудда амалга оширилди. Муҳокамалар «Covid-19» инқирози муносабати билан амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш, ишчилар сонининг қисқариши муносабати билан нафақа тўлаш ва ишдан айрилганларга ишсизлик нафақаси, ўзини ўзи иш билан таъминлаганлар ва эҳтиёжмандларнинг даромадларини қўллаб-қувватлаш чоралари, тиббиёт ходимлари учун қўшимча имтиёзлар, шунингдек, ишчиларнинг меҳнати ва соғлиғи учун зарур хавфсизлик чоралари ҳақида борди.

Ўз аъзолари (ишчилари) номидан касаба уюшмаларининг мақсадли ҳаракатлари қаторига фавқулодда вазиятлар фондларини ташкил этиш, ахборот-тушунтириш кампаниялари, ўқув дастурлари ва меҳнат бозорида бўш иш ўринларини аниқлаш хизматлари, ҳуқуқий маслаҳатлар, озиқ-овқат тўпламлари ва ШҲВни тарқатиш ва баъзи ҳолларда, «Covid-19»ни ишда олинган жароҳат сифатида тан олишни ўз ичига олди.

Чеклов ва карантин чоралари касаба уюшма қурилишига катта таъсир кўрсатди. Натижада, баъзи касаба уюшмалари аъзолик бадалларини йиғишни тўхтатишга қарор қилган бўлсалар, бошқалари инқирозни норасмий иқтисодиётдаги ишчиларга етказиш ва тушунтириш имконияти деб билдилар ва аъзоларни жалб қилиш учун муваффақиятли кампанияларни ўтказдилар. Баъзи касаба уюшмалари ўз аъзолари билан боғланиш ва уларни бирлаштириш ҳамда ўз аҳамиятини сақлаб қолиш учун инсонпарварлик акцияларини ўтказишнинг инновацион усулларини ишлаб чиқдилар.

ҲУКУМАТНИНГ «COVID-19»ГА ҚАРШИ ЧОРА ТАДБИРЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШ

Умуман олганда, касаба уюшмалари ҳукуматнинг «Covid-19»га қарши чора тадбирларини мамнуният билан қабул қилдилар ва ишчилар томонидан ижро этилишини таъминлаш шаклида қўллаб-қувватладилар. Бироқ, кўп ҳолларда, улар ижтимоий мулоқот механизмларининг амалга оширилишидан, шунингдек, касаба уюшмаларининг қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этишдан четлаштирилиши ва кўрилаётган чоралар бўйича аниқликнинг йўқлигидан норози бўлишди. Баъзи ҳолларда улар расмийларнинг барчани, шу жумладан, иш билан таъминлангани сабабли кўрилган чоралар доирасидан четда қолиб кетадиган ишчиларни етарли даражада ҳимоя қила олмаганини танқид қилдилар.

Турли минтақалардаги баъзи касаба уюшмалари ишчилар ва касаба уюшмалари ҳуқуқлари бузилгани тўғрисида хабар беришди.

Қонунбузилишларнинг аксарияти араб давлатларида (мамлакатларнинг 67 фоизи) ва Осиё-Тинч океани минтақасида (35 фоиз), кейин Европа ва Марказий Осиё (29 фоиз), Африка (21 фоиз) ва Америкада (20 фоиз) содир бўлди. Қонунбузилишлар асосан халқаро меҳнат стандартлари, ишдан бўшатиш тартиби, иш вақти ва иш ҳақини тўлаш тартиби тўғрисидаги меҳнат қонунчилиги қоидалари, шунингдек, меҳнат муҳофазаси қоидалари билан боғлиқ бўлди.

Касаба уюшмаларининг давлат органларига ва иш берувчиларга тавсиялари:

Умумий тиббий ёрдам, вақтинчалик ногиронлик ва ишсизлик учун тўловларни ошириш, шунингдек, оилавий нафақалар, пул ўтказмалари, иш билан таъминлаш ва даромадлар кафолатлари, корхоналарга молиявий ёрдам, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилиш, натура тўловлари ва «Covid-19»ни меҳнат жароҳати деб тан олиш каби шошилинч чораларни кўриш ҳокимиятга мурожаатларнинг асосини ташкил этди. Ўрта ва узоқ муддатли тавсиялар орасида ижтимоий мулоқот механизмини кучайтириш, ижтимоий ҳимоя қамровини кенгайтириш, ижтимоий соҳага ва ижтимоий таъминот тизимига узоқ муддатли сармоялар киритиш киради.

ХУЛОСАЛАР

Касаба уюшмалари инқирозни тараққиётни янада тезлаштиришга ва меҳнат ва ижтимоий кун тартибини илгари суришга ҳисса қўшадиган сигнал сифатида баҳолашлари керак. Бунинг учун улар ўз мавқеларини ошириб боришлари, қарорларни қабул қилиш ва жамоавий битимлар жараёнларида фаол иштирок этишлари, шу билан асосий ҳуқуқларни, етарлича энг кам иш ҳақини, максимал иш вақтини, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот учун барча имтиёзларни, иш жойидаги хавфсизлик ва соғлиқни сақлашни тарғиб қилишлари керак.

Тараққиётни янада тезлаштириш учун самарали ижтимоий мулоқот ва қулай ишлаб чиқариш муносабатлари билан қўллаб-қувватланадиган глобал ҳаракатлар зарур. Касаба уюшмалари «Covid-19» инқирозига қарши кураш бўйича сиёсат йўриқномасида ХМТ томонидан белгиланган устувор йўналишларга мувофиқ, «Covid-19» пандемиясига қарши вақтинчалик чоралар ўрта ва узоқ муддатли даврда кучли иқтисодий тикланишни таъминлаш учун ҳаракат қилиши лозим.

«Covid-19» инқирозида барқарорлик ва ваколатларни ривожлантириш бўйича касаба уюшмаларининг кун тартиби қуйидагилар бўлиши керак: сиёсий иродани шакллантириш, ижтимоий мулоқот механизмларини кучайтиришга ёрдам бериш, билим базаси ва салоҳиятини шакллантириш, вакилликни кучайтириш, ишчиларнинг устувор йўналишларини илгари суришда давом этиш, янги хизматларни таклиф қилиш, шериклик алоқаларини кенгайтириш, БМТнинг барқарор ривожланиш жараёнларида фаол иштирок этиш, маълумот алмашиш ва ўтган инқироз тажрибаларини ўрганиш.

1-жадвал:
Касаба уюшмаларининг давлатлар билан уч тарафлама ва икки тарафлама ижтимоий мулоқоти ҳамда касаба уюшмалари (ходимлар)га нисбатан аниқланган қоидабузарликлар

	Ижтимоий муносабат			Икки тарафлама ҳаракат	Аниқланган қоидабузарликлар
	Камида, ижтимоий мулоқотнинг битта шакли	Уч томонлама мулоқот	Икки томонлама мулоқот	Давлатлар ва касаба уюшмалари ўртасида	ходимлар/ касаба уюшмалари ҳуқуқи
Африка	36/47 (77%)	28/47 (60%)	28/47 (60%)	12/47 (26%)	10/47 (21%)
Шимолий ва Жанубий Америка	19/25 (76%)	15/25 (60%)	14/25 (56%)	9/25 (36%)	5/25 (20%)
Араб давлатлари	6/6 (100%)	2/6 (33%)	6/6 (100%)	3/6 (50%)	4/6 (67%)
Осиё-Тинч океани минтақаси	15/17 (88%)	10/17 (59%)	12/17 (70%)	7/17 (41%)	6/17 (35%)
Европа ва Марказий Осиё	32/38 (84%)	24/38 (63%)	22/38 (58%)	15/38 (39%)	11/38 (29%)
Дунё	81%	59%	62%	34%	29%

Назм

Сайёра ТЎЙЧИЕВА

САБОҚ

Бўлбул бағри қондир – сайрона шундан,
Ошиқ аҳлин кўкси вайрона шундан.
Бул чистон маънисин билганим кундан,
Тилим ошиғу лол, бир сўз қарз беринг,
Навоий назмидан битта дарс беринг!

Ҳазрат тоғирида оққан лоламан,
Туркий сўз қуёши соғган толаман,
Лутфий кўзидаги қатра жоламан,
Жомий ҳайратидан бир ҳавас беринг,
Навоий назмидан битта дарс беринг!

Неча асрларким сўзнинг султони,
Олам-у одамнинг қайғурган жони,
Нидоси бугун ҳам кўнгил исёни-
Тоза сўз қасдида келдим, сўз беринг,
Навоий назмидан битта дарс беринг!

Дунё кўҳна бешик, аллалар мудом,
Алласи – эзгулик, ғарҳи издиҳом,
Юрагим тўкилар айтиб йиғласам,
Ошиққа кўз ёшни қутлуғ фарз беринг,
Навоий назмидан битта дарс беринг!

Ул зотнинг нуридан умрим нурафшон,
Ҳар сатридан кўчар кўнглимга имон,
Навоий – юраклар тўйган дастурхон,
Шу неъматдан менга ризқу рўз беринг,
Навоий назмидан битта дарс беринг,
Менга Навоийдан битта дарс беринг!



1

Шундай қилиб, фильмда бир аср олдинги воқеалар кўз ўнгимизда намоён бўлади. Ўша даврдаги вазият жуда аниқ кўрсатилган: ҳаёт, кийим-кечак, тил ва ролларни яратилиши. Томонлар бўлажак тўй масалаларини муҳокама қилишади, ҳамма нарса ҳар доимгидек харажатларга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам камбағал оиладан бўлган куёв, унинг вакили (амакиси) тўйни ихчамлаштирилган усулда, ортиқча чиқимларсиз ўтказишни сўрайди.

Ушбу хоҳишни куёв ишлайдиган маҳаллий театр раҳбари – жадид қўллаб-қувватлайди. Одатдагидек, суҳбат қабул қилинган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилинган ҳолда, сирдан қараганда тинч муҳитда ўтади. Аммо юзаки бўлган юмшоқ муомала асноси икки дунёқарашнинг кураши бошланади. Ҳатто мухолифларнинг талаблари шариат қонунларига мос келмаслиги ҳақида жадидлар асослар келтиришганда ҳам мунозара очиқ таҳдид билан йўққа чиқарилади.

Янги турмуш қурганларнинг умидсизликка тушиб, ўз жониларига қасд қилишларининг тергов саҳнаси ҳам тасодиф эмас. Мустамлакачилик ҳокимиятининг терговчиси ёш эр-хотинни ўз жонига қасд қилишга олиб келган фожеанинг ҳақиқий айбдорлардан эмас, балки асосий хавфни айнан жадидчилик ҳаракатидан қидиради.

Юз йил ўтади. Кино ижодкорлари бизни бугунги кунга етаклаб келишади. Худди шундай оддий ўртаҳол ўзбек оиласи, фақат от-арава ўрнида ҳовлида эски «жигули» турибди.

Икки севишган ёшларнинг яқинлашиб келаётган тўйига боғлиқ, худди шу муаммо. Ва яна ҳамма нарса «ҳамма одамлардагидай» бўлиши учун пулга, тўйга харажатларига бориб тақалади. Ҳарчанд уринишмасин, куёвнинг ота-онаси қуда томонни тўйни камтарона, ортиқча даҳмазасиз, қарз-ҳавола бўлмасдан ўтказишга кўндиролмайди.

Ҳатто ҳовлида XXI аср, одамлар ва атроф-муҳит замонавий кўринишга эга бўлса-да, аслида қарашларда ҳеч нарса ўзгармаган. Бўлажак қариндошлар ўртасидаги тортишувлар, белгиланган тўйни бекор қилиш таҳдиди, ҳар икки томоннинг йиғи-сиғиси...

«Ҳамма одамлардагидай» барча сифатлари билан дабдабали тўйдан сўнг ёш эр қарзларини тўлашга имкон тополмай, кекса ота-онаси ва ҳомиладор хотинини ташлаб, меҳнат муҳожирлигига йўл олади. Ёш олим сифатида истиқболли илмий иш ҳам ўлда-жўлда қолади.

Бироқ, юз йил муқаддам тенгдошларининг фожиали тўйидан фарқли ўлароқ, мамлакатда катта ўзгаришлар, жумладан, илм-фан соҳасида ҳам амалга ошаётган катта ўзгаришлар туфайли дилларга ёруғлик инади. Давлат раҳбарининг қарорлари билан мутахассис ва олимлар чет элдан қайтиб келишади, уларга муваффақиятли ишлаш учун барча шароитлар яратилади, зарур маблағлар ажратилади, шу жумладан, кундалик муаммолар ҳам ҳал қилинади.

Шу тариқа фильм ижодкорлари аслида деярли одатий, оддий ҳикоядан ҳар биримизни ўйлантиришга мажбурлайдиган лаҳзаларни яратишга муваффақ бўлишган.

Фильмда кўтарилган мавзулардан бири, бу жадидлар ва жадидчилик ҳаракатининг феномен сифатидаги тақдиридир. Ўзининг унутилган, қолоқ халқи учун яхшироқ ҳаёт кечиришни орзу қилган бу олижаноб инсонларни ҳар бир ақл-идрокли ўзбек аччиқ ачиниш ҳисси билан эслайди.

Мажозий маънода, ажойиб ёзувчимиз Абдулла Қодирий ва унинг ҳамроҳлари, жуда ёш бўлишларига қарамай, ўзларининг таълим-тарбияси ва ватанпарварлиги самараси ўлароқ ўша даврдаги ижтимоий жараёнларнинг ривожланишини тушуниб етдиларлар ҳамда ҳозирги «учинчи Ренессанс»-нинг асосчиси бўлдилар. Халқнинг ўқимаган, оми, итоаткор пода бўлишини истаганлар, табиийки, уларни бир хилда ёмон кўрадилар. Худдики, маҳаллий феодал зодагонлар ва диндорлар,

«БАХТСИЗ КУЁВ»ЛАР САБОҒИ

ёхуд асрни қаритган «удумлар»имиздан нега қутулолмаяпмиз?

Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ахборот-таҳлил маркази директори

шунингдек, мустамлакачи оқ подшо тузумидек. Халқимизни бошқариш учун ўз режаларига эга бўлган жадидлар, таассуфларким, Октябрь инқилобидан сўнг большевиклар томонидан бутунлай йўқ қилинди. Сўнгги пайтларда уларнинг унутилган номларини қайта тиклашга киришилганидан фақат хурсанд бўлиш керак. Лекин фидокорона фаолиятларини халқимиз тўла билиши ва муносиб баҳолаши учун яна кўп куч сарфлаш керак бўлади.

Яна мушоҳада юритишда давом этамиз. Тўй, маъракa ҳар бир инсон ҳаётидаги энг ёрқин воқеалардан бири саналади. Бола туғилганидан сўнг, ўзбек унинг соғлом, бахтли ва ота-онасидан ҳам яхшироқ яшашини орзу қилади. Ўсиб-улғайсин, ўзига қаллиқ топиб, мустаҳкам оила қурсин ва ўз оиласини давом эттирсин, дейди. Халқимизнинг бу ажойиб сифати табиий инсоний истак бўлиб, ўз миллий урф-одатлари ва анъаналарни сақлаб қолиш, ота-оналарнинг келажак авлодлар олдидаги масъулиятини оширишга хизмат қилади. Ва, ўз навбатида, болаларнинг ота-оналари ва умуман катта авлод олдида масъулиятли қилиб тарбиялайди. Буларнинг барчаси мантиқий ва тушунарли, албатта. Лекин нима учун, юз йил аввал бўлгани каби, тўйга тайёргарлик ва ўтказиш ҳамон кўплаб ўзбек оилалари учун муаммо ва ташвишларга айланиб бормоқда?

Савол туғилади: шариат меъёрлари билан ҳеч қандай алоқаси йўқ бўлган исрофгарчиликка асосланган бу «удум»лар ҳаётимизга қаердан келган?

Ҳисоб-китобларга кўра, аҳолининг 15-20 фоизидан кўп бўлмаган қисми замонавий тўй ва унинг барча талаблари билан муаммосиз ўтказиши мумкин. Бу тушунарли, чунки биз бозор шароитида яшаяпмиз ва бойлар тобора кўпайиб бормоқда. Лекин нима учун одамларнинг қолган 80 фоизи муттасил ўсиб борувчи фантазия тўла исрофгарчиликларга риоя қилишлари керак? Агарки имкон бўлмаса-чи?

Жавоб оддий: биз болаларимизни яхши кўрамиз ва уларнинг бой тенгдошлари олдида ўзларини камситилган ҳис қилишларини хоҳламаймиз. Ва бунинг учун ҳар қандай қурбонликка, ҳатто, шу йирик қарздорликларга тайёрмиз.

Агар юз йил олдин 900 «ақча» тўй учун етарли бўлмаган бўлса, бугунги кунда тўй учун харажатлар ўн минглаб доллардан ошади. Бу оддий ўқитувчилар, шифокорлар, муҳандислар ва аҳолимизнинг аксарият қисмини ташкил этувчи бошқа тоифалар учун ҳам осмондаги гап. Боз устига, бир нечта тўй ўтказиш керак бўлса...

Оилалардаги қарздорлик болаларнинг орзу-истакларини чеклаб қўяди. Энг ёмони, пул топиш истаги тинчлик бермайди. Улар энди олийгоҳларга кириш ҳақида ўйламайдилар ҳам, ким билсин, олимлар, файласуфлар, кашфиётчилар, мусиқачилар, спортчиларни йўқотаётган бўлишимиз мумкин.

Бу муаммо хорижда меҳнат миграциясининг ўсишини кучайтиради. Ўз оилаларига ёрдам беришга мажбур бўлаётган, ҳар йили юз минглаб одамларимиз бегона қурилиш майдонларида ҳуқуқларсиз меҳнат қилиб, мамлакатимизнинг салбий имижини шакллантирмоқлар.

Шунинг ўзи кўплаб салбий ҳодисалар – жиноятчилик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, одам савдоси ва ёшлар орасида ёт ижтимоий кўринишларнинг ўсишини келтириб чиқаради.

Ҳукуматимиз мамлакатда камбағаллик муаммосини очиқ тан олди, уни бартараф этиш учун миллиардлаб долларлик давлат дастурларини амалга оширмоқда. Бироқ, исрофгарчиликли тўйлар ва шунга ўхшаш сунъий байрамона тадбирлар камаймаётганини қандай изоҳлаш мумкин.

Шу ўринда бир савол: бизни бунга ким мажбур қиляпти?

Ҳаммага маълумки, бу каби тадбирлардан мамлакатда катта пул топадиган шахсларнинг бутун бир тизими шакллганини эътироф этишимизга тўғри келади. Бу бир занжир бўлиб, ҳашамдор тўйхона эгаларидан бошлаб, қимматбаҳо лимузинлар, маҳсулот ва товарлар сотувчилари, тўйларни турлича безовчи бутун бошли фирмаларни бирдан-бир санаб ўтиш мумкин. Худди шу занжирда кунига қисқа вақт ичида 5-6 тўйларда бир нечта қўшиқ айтиб минглаб ва ундан кўпроқ доллар оладиган мусиқачи ва раққосалар ҳамда санъаткорлар ҳам бор.

Кези келиб қолди, маҳаллалардаги норасмий фаол аёллар ҳақида ҳам гапириш мумкин. Бўлажак тўй ҳақида эшитибоқ, улар дарҳол тайёргарлик кўраётган хонадонларда пайдо бўлиб, ўзларининг талаблари ва «инновацион» ғояларини шундоқ ҳам боши қотиб устида турган уй эгаларига юклаб барча «урф»ларга риоя қилиб, ҳаммадан зўр тўй қилишга даъват этишади. Ҳеч ким уларга эътироз билдиришга журъат этолмайди, чунки улар дарҳол бутун маҳалла аҳли орасида Эшмат ака хасис, Тошмат ака пасткаш каби фикрларни тарқатишади. Улар учун ҳокимлик қарорлари ҳам чора бўлолмайди. Қизиқ, ҳеч ким бундай «фаоллар» билан муносабатларни бузишни ва миллий анъаналар ва маросимларга қаршилар сифатида танилишни истамайди.

Бошқа турдаги мисоллар ҳам мавжуд. Бундан 10 йил аввал қўшни Тожикистонда ҳукумат аҳолининг асосий қисми муаммолари билан боғлиқ тўйларда исрофгарчиликни чекловчи махсус қарор қабул қилди. У маҳр тўловлари, меҳмонлар сони ва тўй вақти ва бошқа қоидаларни ўз ичига олди. Давлат идоралари вакиллари иштирокида жамоат назорат гуруҳлари тузилди. Улар ҳуқуқбузарларни сўзсиз жазоладилар. Бундан ташқари, тўйхоналарнинг эгалари тадбир тугашидан 15 дақиқа олдин меҳмонларга якунлаш кераклигини хушмуомалалик билан огоҳлантиришган.

Натижада, бир йил давомида тартиб ўрнатилди. Буни қаранг-ки, тежамкорлиги туфайли мамлакатда 30 минг бузоқ бир йил аввалгига нисбатан камроқ сўйилди. Кўпгина оддий оилалар бу қулайликдан енгил нафас олишди ва қабул қилинган чоралар учун ҳукуматдан миннатдор бўлишди.

Ўз-ўзидан савол туғилади: Ўзбекистонда «Бахтсиз куёв» каби фильмларни суратга олиш учун ҳеч қандай сабаблар қолмагани ҳақида ўйлаш вақти келмадимикин? Бу муҳим асарни яратувчилари айнан шуни айтишни хоҳлашгандек, назаримда.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темур МАМАЖОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),
Меҳриддин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Абдураҳмонов

Мусаҳҳиҳлар:
С. Шодиева,
З. Холмуҳаммедова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **21:10**
Топширилди – **21:50**

Газета офсет усулида,
А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г – 210.**
30621 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-ўй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-ўй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130

Эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси!

«KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Очиқ аукцион савдоларига «O'ZTEMIRYO'LYO'LOVCHI» акциядорлик жамияти Бухоро филиалининг 02.02.2021 йилдаги 24-сонли буюртма-хатига асосан филиал ҳисобидаги Бухоро вилояти, Когон шаҳри, Аҳиллик кўчаси манзилида жойлашган, жами ер участкаси 400,0 кв.метр, қурилиш майдони 199,1 кв.метр, фойдали майдони 278,9 кв.метрдан иборат бўлган Ҳаммом биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 487 161 502 (Тўрт юз саксон етти миллион бир юз олтмиш бир минг беш юз икки) сўм.

Очиқ аукцион савдолари 2021 йил 10 март куни соат 11:00да Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 29-уй манзилида бўлиб ўтади.

2021 йил 10 март куни аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2021 йил 16 март ҳамда 23 март кунлари ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 29-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санаси кунидан бир кун олдин булган муддатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:

– «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари;

– жисмоний шахслардан паспорт нусхаси;

– юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома **тақдим этилиши сўралади.**

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти, СТИР: 304815549, МФО 00115, «Кишлок курилиш банк» АТБнинг Бухоро минтақавий филиали, ҳ/р: 20208000700759233002.

«Аукцион ташкилотчиси» – «KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти.

Буюртманомаларни қабул қилиш ва қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 29-уй, (1-қават). Тел.: +998 90 299-82-92. **E-mail:** *mkmfi@mail.ru*

Лицензия № RR-0297

Собир Раҳимов политехника касб-ҳунар коллежи томонидан 2007 йилда Бурхонов Одилжон Олим ўғли номига берилган К №1871853 рақамли диплом йўқолгани маълум қилинади.

Пудратчи ташкилотлар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ «ЎРМОНҚУРИЛИШ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ИШЛАРИ УЧУН ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетнинг Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Хумсон қўрғонида жойлашган «Чорвоқ ўқув-амалиёт ўташ базаси»даги **талабалар ётоқхонаси** (2 та), **ўқитувчилар хонаси** (коттеж) ва **овқатланиш жойи** биноларини капитал таъмирлаш ва реконструкция.

Юқоридаги объектларни капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларининг:

– бошланғич қиймати – 853,6 млн. сўм. (ҚҚС билан);

– якунлаш муддати – икки ой.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Буюртмачи: «Ўрмонқурилиш» давлат унитар корхонаси.

Талабгор сифатида иштирок этадиган пудратчи ташкилотларга қўйиладиган талаблар:

– қурилиш соҳасидаги салоҳияти, ишларни бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

– шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

– солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳамда тижорат банкидан кредиторлик қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

– молиявий имкониятлари етарли бўлиши шарт.

Танлов савдоларида иштирок этиш ва тегишли ҳужжатлар билан танишиб чиқиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиши мумкин: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 2«А»-уй. **Телефон:** (+99871) 262-03-33.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб **10 кундан** сўнг Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 2«А»-уйда ўтказилади.

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Тошкент шаҳридаги «Олмазор кичик саноат зонаси» акциядорлик жамияти (собиқ «Оникс» акциядорлик жамияти) касаба уюшма қўмитаси раиси
Людмила ПРОЦЕНКОнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши жамоаси Федерация аппаратининг бўлим мудири ўринбосари Равшан Самарбековга падари бузруквори
ЙЎЛДОШ отанинг
вафоти муносабати билан таъзия билдиради.